

25 (1126)-сон 26 июнь 2013 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган



2 ХУНАРМАНД  
АЁЛЛАР ФОРУМИ



3 ШИРИН  
ШАРБАТНИНГ  
АЧЧИК АЛАМЛАРИ

4



Шароф  
БОШБЕКОВ:  
ОДАМДАН ФАҚАТ  
ЯХШИ НОМ ҚОЛАДИ!

СЎЗ СУРАТИ



5

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Назира БОЙМУРОВА  
сурат-лавҳаси.

*Катта бўлсам, албатта, суратчи-журналист бўламан!*

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Соғлом авлод учун: «Болалар бепул даволанияпти» .....	2
Оилавий тадбиркорлик ривожланади .....	3
Хирмонни тўлдирган фермер кутлови .....	5
Бировнинг бахти бошқага буюрмайди .....	6
Тасодифий кашфиётлар ростми? .....	7
Олчанинг биз билмаган сирлари .....	7
Милти юлдузлар .....	8

### ҲИКМАТ

Одамнинг беағи  
сўздир, сўз эса беҳисоб  
бойлик саналади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

## ХУНАРМАНД АЁЛЛАР ФОРУМИ

Мамлакатимизда турли соҳаларда меҳнат қилаётган истеъдод эгалари, фаол хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижод намуналарини намойиш этишга кўмаклашиш муҳим вазифалардан бирига айланган. «Хунарманд» уюшмасида «Миллий тикланиш» демократик партияси ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, Мустақил Ўзбекистон» шиори остида ўтказилган хотин-қизлар форумида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

— Бу форумга қизим Паризод билан келдим, — дейди Гижду-



вон туманидан келган хунарманд Зухра Файзиева. — Беш йилдан бери миллий хунармандчилик билан шугулланамиз. Кўргазмада бисер, аппликация ва зардўзлик ишларимиз билан қатнашяпмиз. Бугунги тадбирнинг ахамияти жуда катта бўлди.

«Хунари йўқ эркакдан, игнаси бор аёл яхши», «Хунар-хунардан ризқинг унар», «Хунарли хор бўлмас» каби халқ нақллари бугунги кунда ўз тасдиғини топмоқда. Юртимизда ўтказилаётган бу

### Сарчашма

каби форумлар хунарманд аёлларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунаси дейиш мумкин. Буни тадбир доирасида ташкил этилган миллий хунармандчилик буюмлари ва бадий чиқишлари намойишида ҳам кузатиш мумкин.

— Биз 15 кундан бери Ўзбекистонни айланиб юрибмиз, — дейди франциялик сайёҳлар Брижит Жёли ва Режин Кастерэ. — Халқингиз жуда меҳмондўст, аёлларингизнинг эса кўли гул экан. Бу ерда хунарманд аёлларнинг қўлларида сайқал топган либосларни кўриб, уларнинг халқ қалбига қанчалик яқинлигини ҳис қилдик.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**  
«Оила ва жамият» мухбири.  
Муаллиф олган суратлар

### «Соғлом авлод учун»

## ЖАМҒАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН...

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга кенг тадбиқ этишда қатор хайрли ишларга бош қўшаётгани эътиборга лойиқдир. Айниқса, бемор ва ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадида халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда олиб борилаётган истикболли ҳамкорлик самарали давом этмоқда. Эътиборли жиҳати, жамғарма ушбу йўналиш бўйича Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Жанубий Кореянинг «Save the Children» халқаро жамғармаси, Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIH жамғармаси, Ин Ха университети госпиталларида туғма юрак нуқсонли, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғинлари ва бошқа ташвишлар билан оғирган ўзбекистонлик болаларни бепул даволанишида яқиндан кўмак берди.

Шунингдек, кўп йиллардан бери Жанубий Кореянинг бир қатор халқаро ташкилотлари ва университетлари билан ҳамкорликдаги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Ҳамкорлик битимлари доирасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси қошидаги Тиббий-ижтимоий марказда замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланган янги бино қурилди. Республикаимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, зарур ёрдамларни кўрсатишдек эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган 214,3 минг АҚШ доллари қийматидаги «Hyundai» русумидаги мобил клиникаси жамғарманинг ҳудудлараро кўма тиббий ижтимоий патронаж бригадасига тақдим этилди. Жамғарма ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIH жамғармаси 25,3 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Hyundai H1» русумидаги мобил клиника Навоий вилоятининг тиббий ижтимоий патронаж бригадасига тақдим этилди.

Ушбу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21 май 2013 йилда тасдиқланган таширф Дастури асосида жорий йилнинг 16-23 июнь кунлари Корея Республикасининг Ин Ха университети госпиталининг 18 нафар малакали шифокорлари жамғарма тиббий-ижтимоий маркази, республика офтальмология клиник шифохонаси ҳамда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Саховат уйи ва Навоий шаҳрида беморларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишда фаол иштирок этдилар.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,**  
«Оила ва жамият» мухбири.

## «ТУМОРЧА» ҚУВОНЧЛАРИ

### Тадбир

Фарзандининг табассуми, унинг келажакка умид ва катта орзулар билан қадам қўётганини кўрган ҳар бир ота-она ўзини бу дунёда энг бахтли инсон деб билади. Фонд Форум, «Эски шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази», Шайхонтохур тумани «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда «CITY MAKON» маданий-маърифий кўнгилочар маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Туморча» номли тантанали кечада жажжи истеъдод эгаларининг шодликлари барчага кўтаринкилик улашди.

— Илк мартаба ўтказилаётган ушбу муסיкий тадбирда Шайхонтохур тумани «Баркамол авлод» болалар маркази ҳамда Фонд форум қошидаги «Эски шаҳар болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази»нинг 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган аъзолари ўзларининг дилтортар куй ва кўшиқлари ҳамда турли миллатларга хос шўх шодон рақслари билан иштирок этишмоқда, — дейди Шайхонтохур тумани «Баркамол авлод» болалар мар-

кази директори Зулфия Расулова. — Бундан ташқари Мастура Баходирова, Диёра Сиддиқова, Зилола Бахромова, Зарафшон Зарипова ва яна бир қанча ёш дизайнерларимизнинг яратган либосларини 60 дан ортиқ моделлар намойиш қилмоқдалар. Дизайнерларнинг бу тўпламлари ҳозирги замонавий ишлаб чиқариш технологияси жараёнига мос равишда яратилган. Болажонларимиз Фонд Форум томонида ўтказилиб келинаётган «Болажонлар — ширинтойлар», «Хонатлас», «Янги авлод» каби фестивалларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Бу каби тадбирлар болажонларимизнинг фаолиятлари самарадорлигини, ижодий фаолликларини, билим ва кўникмаларни оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, интилишларини муносиб баҳоланиши ҳамда уларни аниқ бир касбга йўналтиришга имконият яратмоқда.

Шаҳноза ШАРОПОВА.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш ЖАМОАТ ФОНДИ ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танлов мавзуси: «Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини ошириш»**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг куйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаоллигини ва самарали иштирокини таъминлаш;

— экотуризмни ривожлантириш;

— аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;

— муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув-тежаш технологияларидан уй хўжалиги, деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорликни юритишда кенг фойдаланиш;

— қичиндиларни қайта ишлаш технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

— био хилма-хилликни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ноёб турларни сақлашга кўмаклашиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назорати механизмларини ривожлантириш;

— табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб қилиш.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат Фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат Фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Грант лойиҳанинг электрон шакли [funduz@parliament.gov.uz](mailto:funduz@parliament.gov.uz) электрон манзилига тақдим этиш;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаъдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.**

**Собир ака, муҳандис:**

— Тунов куни кенжа ўғлим билан бозорга тушгандик. Лаваш олиб беринг, деб туриб олди. Тўрт тарафи клёнка билан ўраб олинган ошхонага кирдик. Хот-дог, лаваш, гамбургер тайёрлашга мўлжалланган жойда сотувчи йигитлар кўли-кўлига тегмай савдо қилишпти. Хот-дог тайёрлаётган йигит ўнг елкасига телефонини қисиб олиб, ким биландир берилиб гаплашпти. Бир кўли билан хотдог тайёрлаб, хўрандаларга узатиб турибди. Энди бизнинг навбатимиз келган маҳал ҳалиги сотувчининг ёнига бир таниши келиб қучоқлашиб кўриша кетди. Сўнг ҳозир амаки, деди-да, ташқарига чиқиб, чекаётган ошхонанинг оғзидан сигаретини олиб тарта бошлади. Бу ҳолатни кузатиб турганим учун ичкарига кириб, ювилмаган кўллари билан масалликларни (помидор, бодрийг, сабзи бўлакчаси) чангаллаб олиб хамир устига ташлаётган йигитга қараб, “Ҳой, барака топгур, кўлингни юймайсаними? Бунақада одамларни заҳарлайсан-ку”, деса, безбетларча “Эрталаб кўлимни совунлаб ювганман, ёқмаса, бошқа жойдан олақолинг”, деса бўладими. Ҳайф, сендайларга дедим, индамай кетиб қолдим...

**Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази оқватлашиш гигиенаси бўлими мудири Шухрат ЮСУПОВ шарҳи:**

— Ёз фасли оқватдан заҳарланиш, ўткир юқумли ичак касалликлари авж оладиган палла. Аҳоли ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида шахримиз туманларни ҳудуддаги бозор, хусусий ошхоналарга рейдлар уюштирмади. Туман солиқ инспекцияси, ички ишлар ходимларини ҳам бу ишга жалб қиламиз. Яқинда Кўйлик деҳқон бозорида ўтказилган рейдда уч нафар фуқарога нисбатан керакли чора-тадбирлар кўрилди. Бозор ичида бир фуқаро болалар коляскасида ўрик шарбати сотиб юрган экан. Харидорлар орасида ёш болалар, ҳомиладор аёллар ҳам бор. Сотувчининг кўли-кўлига тегмайди. Идиш ювишга шароити йўқлиги учун бўшаган косаларни латта билан артиб, шарбат қуйиб берапти. Ўз ишига берилиб кетганидан ҳеч нарсага эътибор ҳам қилмади. Тиббий кўриқдан ўтмаган бу идишдаги яна шарбат қандай шароитда тайёрланганини унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Идиш ичидаги жигаранг тусдаги сув шарбатми ёки бошқа нарсами буниси ҳам бизга қоронғу. Чанқан харидорлардан уч-тўрттасини шарбат ичишдан тўхтатиб, уларга кирланган косаларни кўрсатдик. Бундай ичимликни ичиш соғлиққа зарар эканлигини тушунтириб, сотувчини

Ёз бошланди дегунча ҳаммамиз имкони борица чанқоғимизни қондирмоқ учун турли хил ичимликларни истеъмол қиламиз. Нима қилиш керак? Кимдир дўқондан, яна биров кўчадаги кўлбола усулда тайёрланган шарбатни ичишга мажбур. Кейин эса... мутахассис шифокор бир ёқда қолиб, дохионама дохиона югурамиз. Энг қизиғи, энди тузалай деганимизда, яна телеэкран ёки радиотўлқинлари, кўча-кўйда “чанқовбосди” ичимлик рекламаларидан бошимиз айланганини сезмай қоламиз. Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак? Нега энди ўз пулимизга касаллик сотиб олаёلمиз? Оиламизда, ҳар бир хонадонда қачон тиббий маданиятни шакллантирамиз?

## ШИРИН ШАРБАТНИНГ АЧЧИҚ АЛАМЛАРИ

- Касалликни ўз пулимизга “сотиб” олаёلمиз
- Кўчадаги “кўчма” шарбатлар
- Кўлини ювмаган сотувчи
- Бозор — озор етказмасин



огоҳлантириб, ўша ернинг ўзида кўлбола шарбат канализацияга тўкиб ташланди.

Одамлар гавжум жойларда, бозор атрофларида ўзбошимчилик билан кўлбола шарбатлар, айрон, компот каби яхна ичимликлар сотиб юрган фуқаролар биринчи марта огоҳлантирилади. Иккинчи марта эса уларга жарима солинади. Агар бу иш яна такрорланса, тегишли органларга чора кўриш учун юборамиз. Чунки уларнинг кўлидаги ювилмай қайта-қайта ишлатилаётган косалар орқали организмга минглаб микроблар, касалликлар ўрнашиб олиши мумкин-ку!

Соғлиқни асраш ҳар бир инсоннинг ўз кўлида. Назорат органлари қайта-қайта текширув ўтказиб, касалликка қарши курашиш чораларини кўргани билан одамлар ўз саломатлигига бепарқ бўлса, юқумли касалликлар сони

авж олаверади. Шунинг учун истеъмолчилар озиқ-овқат маҳсулотларини сифати кафолатланган жойлардан харид қилсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Кўлбола мосламаларда тайёрланган ва турли хил идишларда сотилаётган шарбатлар, айронлар, компотларни ичиш орқали ўткир юқумли ичак касалликлари ва бошқа турдаги юқумли касалликларни юктириб олишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Айнакча иммунитетни паст қишларда бу касалликка мойиллик кучли бўлади. Оддийгина шахсий гигиенага риоя қилмаслик оқибатида касаллик бактериялари билан ичак зарарланиши мумкин. Ич кетиш, кўнгил айниб, қайд қилишлар мана шу микробларга таллулки.

**Баҳром ҒОИПОВ, Бектемир тумани Давлат санитария эпидемиология назорат маркази оқватлашиш гигиенаси бўлими санитар врач:**

— Кўйлик бозори ҳудудида улгуржи маҳсулотлар сотиладиган жой бор. Биз деярли ҳар куни мана шу ерда назорат тартибини ўрнатишга ҳаракат қиламиз. Сотувчи ва харидорларга етарли қулайликлар яратилганига қарамай, (бозор ҳудудида музлаткича эга бўлган дўқонлар назарда тутилди — муаллиф) шу ҳудудда болалар коляскасида, кўлбола аравачаларда бутерброд, кесилган колбаса, лавашлар, уй шароитида тайёрланган салат, овқатлар, яхна ичимликлар сотилиши натижасида аҳоли ўртасида ўткир юқумли ичак касалликлари аниқланмоқда. Оддий мисол, дўқондаги музлаткичдан сотиб олинган қадокланган сув 15 дақиқадан сўнг

**Долзарб мавзу**

илиқ ҳолга келиб қолади. Ҳар қандай шарбат ҳам 30-35 даражали иссиқда ўн дақиқа ичида ийлиди. Шарбат, айрон, компотлар солинган идишлар ичига муз солиб, эртадан-кечгача сотиб юрган шахслар кўп.

Яна бир мисол: Кўйлик бозорида сут маҳсулотларини сотиш учун махсус бўлим ажратилган ва музлаткичлар билан таъминланган. Афсуски, айрим фуқаролар уйларида олиб келган сут маҳсулотларини автомашиналар тўхташ жойларида, йўл четлари, ер ости йўлакларидан сотишга ҳаракат қилади. Уларнинг маҳсулотларини олиб, анализ қилганимизда санитария талабларига мутлақо жавоб бермаслиги аниқланди. Айронлар тайёрланиш жараёни билан ҳам қизиқиб, жавобини ҳам топдик. Айрончилар муомаладан чиққан кир ювадиган (“Киргизия”) машинага қайнатилмаган сув қуйиб, ичига бир баклажка қатиқ солиб айлантиради. Сўнг унга олма, райхон барглари, зираворлар қўшиб, охирида бир баклажка яхна ташлаб қўяди. Яқинда ана шундай ҳолатда айрон сотаётган уч нафар фуқарога белгиланган тартибда жарима солинди.

Яна бир ташвишланарли жиҳати шуки, айрим бекатлар, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари атрофидаги лаваш, хот-дог, гамбургер сотиладиган жойлар хусусий фирмаларга қарашли бўлгани учун уларнинг фаолиятини назорат қилиш бирмунча мураккаб кечмоқда.

Июнь ойида лаборатория таҳлил натижаларига асосланган ҳолда Чилонзор, Яққасарой, Олмазор, Шайхонтоҳур туманларида лаваш, хотдог, гамбургер, фризерли музқаймоқ сотиладиган 7 та савдо шохобчаларининг иш фаолияти тўхтатилди.

Дарвоқе, бу мавзу деярли ҳар йили оммавий ахборот воситаларида кўтарилди, мутахассислар огоҳликка чорлашади. Лекин биз эса яна ўзимиз неча йиллардан бери кўриб, кўзимиз ўрганиб қолган нохуш ҳолатларга бепарволик билан муносабатда бўлаверамиз. Оқибатда бундай эътиборсизлик, лоқайдлик қимматга тушаверади — кимдир мўмайгина даромад топади, кимдир жабрини торгани етмагандек, ойнаб касалхоналардан қадами узилмайди. Энг ёмони, кейинги пайтда ҳаммамиз, фуқаролар ҳам, масъулиятли идоралар ҳам бу каби салбий ҳолатларни ҳаспўшладан нарига ўтолмаяпмиз. “Лоқайдлик” аталмиш касалликнинг асорати эса афсуски, бир кунда сезилмайди.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш ва тараққий эттиришга муваффақиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Яратилган имкониятлар ҳамда қабул қилинган қонун ва қарорлар натижаси ўларок, малакали ишбилармон юртдошларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган азалий анъаналарга суюнган ҳолда тадбиркорлик соҳасида улкан муваффақиятларга эришаётганига гувоҳ бўлиб туришимиз.

Хусусан, 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги Қонунининг ҳаётга тадбиқ этилиши, ай-

## МАНФААТДОРЛИК МАНБАИ

тиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб берди. Зеро, оилавий бизнес субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиши ушбу тармоқ вакилларининг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрни ва ролини янада оширади.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибларга кўра ягона солиқ тўловини тўловчидир. Бу корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Оилавий корхона

меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар тўлайди. Улар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

Эътиборли жиҳати, оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади. Маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси-

да фаолият юритувчи (сартарошлар, тикувчилар, пойбаз, машиай ва ташкилий техникани таъмирловчилар ва бошқалар) яқна тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқ бўйича имтиёзлар берилганини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш дастурини амалга оширишни давом эттириш белгилаб қўйилган.

Оилавий тадбиркорликда ўзaro муносабатлар тузилмаси шаклланиши ва унда бир бутун ҳолда оила аъзолари, оилавий корхона раҳбари шифокор этади. Тадбиркорликнинг ташкил қилишининг ушбу шакли иқтисодийнинг турли соҳаларини жадал ри-

**Қонун ва ижро**

вожлантириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

Оилавий тадбиркорлик ходимининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ва юксак масъулиятини имкон қадар юқори даражада уйғунлаштирилади, уни асослашда нафақат моддий, балки ундан ҳам юксакроқ бўлган маънавий рағбатдан фойдаланади. Бир сўз билан айтганда, оилавий тадбиркорлик халқимиз фаровонлигини таъминловчи файзу барака манбаидир.

**Бектош ҚУВОНДИКОВ,**  
Жиззах туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари.

**“Темир хотин”, “Тушов узган тулпорлар”, “Эшик қоққан ким бўлди?”** каби кўплаб асарлари билан томошабинлар меҳрини қозонган Шароф Бошбеков бугунги саҳифамиз меҳмони.

— Шароф ака, нима учун ёзувчи асарга ўзини кўшади?

— Ўзини қўшмасликнинг сира иложи йўқ. Асардаги шахс профессор бўладими, ундан юқори мансаб эгасими, ким бўлишдан қатъи назар, ёзувчи улар билан баравар фикрлайдиган, балки ундан ҳам кўпроқ билим эгаси бўлиши керак. “Ёзувчилик даражаси” деган гап бор. Ҳозирги кунда кўп фильмларнинг сценарийларини сценарий деб бўлмайди. Тасаввур қилинг: физика ўқитувчиси мактабда дарс ўтапти. “Хой, фалончи, жим

масидаги юклар оғир ва залворли бўлади. Ёзаётганимда ҳам азобланганман, ҳам роҳатланганман. Бир жойи қаттиқ таъсир қилган. Қўчқорвойга темир хотин “Йиғланг”, дейди. У йиғламайман, деб тихирлик қилади ва ўжарлик қила-қила барибир йиғлайди. Шу асарда ҳамма дардимни тўкиб олганман. Ёзиш жараёнида йиғлаганман ҳам. “Темир хотин” биринчи марта Самарқанд давлат драма театрида, кейин Тошкентда сатира ва юмор театрида, ундан сўнг Фарғона театрида саҳналаштирилган. Драма кўйилаётганида Фарғона те-

керак. Муҳаммадсоли Юсуповни кўрсатишганида режиссёр Олимжон Салимовга “Бу актёр қас-собга ўхшайди-ку, завсқлад, завхоз бўлиши мумкин, кўзи ҳам тўқ одам, тўғри келмайди” десам, у: “Нима қилай, бошқаси йўқ”, деди. Спектаклни тайёрлаш жараёнида Муҳаммадсо-



Гурун г



**ФАСОХАТ** – чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва равлонлиги тилимизда “фасоҳат” сўзи билан ифодаланadi. “Фасоҳат” сўзининг туб илдизи “гапга чечанлик” деган маънони англатади.

**Ўзбек тилининг ўзига хос фасоҳати, жуда нозик нафосати бор.**

Мирзакалон  
Исмоилий

**ҚАҒАНОҚ ВА ГИЛАГАЙ** – сигир, кўй ёки эчки туққанда уларнинг биринчи кунда соғилиб, пиширилган оғиз сути “қағаноқ” деб аталган. Иккинчи кунда соғилиб, пиширилган сути эса “гилагай” деб аталган. Қағаноқ ва гилагайнинг оддий сутдан фарқи бўлиб, қағаноқ қовурилган творог каби, гилагай эса атала каби қуюқ бўлади.

**“Қағаноқ” сўзининг “қақаноқ” шакли ҳам бор.**

**Абдимурод кичкиналигидан яйловда қағаноқ ёб, гилагай ичиб юрган-да, шунинг учун ҳам унинг зуваласи пишиқ.**

Журналдан

**ГОСПИТАЛЬ** – одатда ҳарбийлар ётиб даволанадиган касалхона “госпиталь” деб аталади. “Госпиталь” сўзи тилимизга лотин тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи “меҳмондўст” деган маънони билдирган.

**Уни Тошкентга олиб келиб, вокзал яқинидаги госпиталга ётқиздилар.**

Ҳамид Фулом

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

**Шароф БОШБЕКОВ:**

## ОДАМДАН ФАҚАТ ЯХШИ НОМ ҚОЛАДИ!

ўтир, бўлмаса ота-онангни эртага мактабга чақиртирмаман”, деб дарсини шу тарзда ўтказиб юборди. Физика дарсини ўтиши учун ўқитувчида билим, ақл бўлиши керак эди. Лекин у дарсини самарасиз ўтказиб юборди. Бугунги сценарийлар асосида ишланаётган кўплаб фильмлар ижодкорларнинг ишини худди шу ҳолатга менгайман. Ёзилган сценарийда билим, савия бўлиши шарт. Сценарий йиллаб ёзилади. Ҳозир эса уч кунда ёзиб ташланаётган сценарийлар асосида бир ой ўтар-ўтмас ишланган фильм экранга чиқиб кетапти. Бояғи физика ўқитувчисининг дарсида болалар билим ололмасдан асосатда ўтираверишади. Чиқиб кетай деса, ўқитувчи йўл кўймайди. Томошабин ҳам шу аҳволда.

— **“Эшик қоққан ким бўлди?” драмангиз асосида видеофильм саҳналаштирилган. Унда андрологик касбини эгаллаган олим ҳақида гап боради. Сиз бу соҳани ҳам яхши ўзлаштирган экансиз-да?**

— Билмаган нарса ҳақида ёзмайман. Андрология қадимги суяклар илмини ўрганадиган фан ҳисобланади. Бу фан ҳақида бир дунё китоблар ўқиганман. Шундан кейингина бу асарга кўл урдим. “Темир хотин”ни ёзганимда ҳам техника ҳақида гаплар бор. Чунки ўзим механизатор бўлиб далада ишлаганман, техникани ўрганганман.

— **“Темир хотин”нинг прототипи борми, улар кимлар? Асарда ўзингизни ларзага солган жойларни эсласизми?**

— “Темир хотин”нинг прототипи — ўзбек аёли. Турғунлик йилларида аёлларимизнинг далада ва уйдаги оғир меҳнати яхшигина кузатганман. Дунёда биттагина аёл қолса ҳам, унинг зим-

атрининг меҳмонхонасида ойлаб ётганман. Тайёрланиш жараёнида жиддий кузатишга сира вақт бўлмаган. Тайёр бўлгандан кейин энг охирги қаторда томошабинларни кузатиб ўтирганман. Томошабинда мен ўйлаган йиғи бўлаяптими, кулги бўлаяптими? Мен ҳис қилган туйғуларни томошабин ҳам ҳис қилаяптими? Хуллас, ўзим кутган спектакль чиққан. Оддий томошабин билан спектакль кўриш жуда мароқли-да. Премьерага оилангиз, қариндош-уруғларингиз, таниш-билишларингиз келишади. Дўстлар келади, гуллар тутиб табриклашади, мақташади. Лекин оддий томошабин сезининг жигарингиз эмас, сиздан қарз ҳам, кўнглингизга қарашга мажбур ҳам эмас. У — холис одам ва ҳаққоний баҳосини беради. Кейинчалик бу спектакль Москвада кўйилди. Театр зали тўла одам. Турли миллат вакиллари ўтиришибди. Москвада ўзбеклар ҳам кўп экан. Кўпчилиги заводларда ишлашар экан. Кейинчалик Украинада ҳам кўйилди. Мурод Ражабов Кўчқорвойни роса ўйнагиси келди. Иккаламиз пьесани кўлтиқлаб, театр-ма-театр юрганмиз. Охири фильм бўлди ва Мурод Ражабов Кўчқорвойни ўйнади. Орауси ушладди.

— **“Темир хотин”ни учта театр жамоаси кўйди, дедингиз. Барибир Фарғона драма театри артистлари ижросини томошабин яхши кўриб қолди-да...**

— Бу театрда “Темир хотин”ни кўйиш жуда қизиқ кечган. Мен Кўчқорвойни меҳнатдан боши чиқмаган, жик-как, нима деса бўйини эгиб иш қилиб кетаверадиган, роҳат, фароғат нималигини билмайдиган одам сифатида тасаввур қилиб ёзганман. Унинг гавдаси ҳамма аёлининг гавдасидан ўтган ҳам кичик бўлиши

лига ўрганиб қолдим. У таланти актёр, Кўчқорвойни тушунди, маромига етказиб ижро этди. Бу режиссёрнинг маҳорати эди. Олимжон Салимов қайси ролга қайси актёр мос тушишини яхши билди. Муаллифнинг кўриши бошқа, режиссёрнинг кўриши бошқа эканлигига ўшанда амин бўлдим. Аломат роли ижросини уйғур кизи Акира Шаваева рус тилида ўқиганлиги учун ўзбек тилига урғу бериб сўзларди. У роботга тушди-қолди. Овози ҳам галати, узуқ-юлуқ эди. Кино қилишганида Дилором Эгамбердиева ролини яхши ўйнади. Лекин томошабинлар “Бу актриса “Келинлар кўзголини” да кенжа келин Нигорани ўйнаган” деб таниди. Муҳаммадсоли ва Акирани эса томошабин шу чоққача кўрмаган. Кейинчалик Ҳамза асарини асосида “Тошкентга саёҳат” драматини сценарийлаштирдим. Унда ҳам Муҳаммадсоли Юсупов бош ролни ижро этди ва томошабинларнинг меҳрини қозонди.

— **Ҳозирги кунда драматик асарларга миллийлигимизга хос бўлмаган муҳаббат саҳналари ҳам кириб келмоқда ва у кўп ўтмай ҳаётда ўз аксини топмоқда.**

— Эру хотин узоқ йиллар бирга истиқомат қилишади. Лекин эркак умрида бир марта “Мен сени севаман” демайди. Бунисининг тиши оғриси, иккинчиси додлайди. Чол ўтгандан кейин кампири, кампир ўтгандан кейин чоли узоқ яшай олмайдди. Бу менталитетимизга хос нарса. Бу ўзбекона муҳаббат. Ҳар дақиқада сени севаман, деявериш эси пастлик эмасми? Эрталаб ишга кетаётганимда ҳам сени севаман деса, қайтганимда ҳам сени севаман деса... Фарбдаги одатлар бизга ҳам шиддат билан кириб келяпти. Келинларимиз

тўйларда гулдастани орқасига улоқтираяпти ва дугоналар “Менга тегармикан, бахтич очилармикан”, деб қий-чув қилиб гулдастани талашяпти. “Мен эрга тегшим керак”, деб жазавага тушиш ўзбекка хос ишми? Ёки бўлмаса келинларимизнинг кўйлақлари ниҳоятда европача услубда, хаддан ташқари очик. Ахир, келинчак сирлилиги билан гўзал-да. Сирдарё вилоят театрида бир фольклор ансамбли келинкув либосларини намойиш этишди, маза қилиб томоша қилдим. Европанинг кўйлақларидан минг марта чиройли, қимматлари ҳам бор.

— **Шароф ака, айтгинчи, одамдан нима қолади?**

— Бу дунёга келган одам у дунёга ҳеч нимани ортомқолаб кетолмайди. Одамдан фақатгина яхши ном қолади. Китоблар ўз йўлига, ижодкорлик ўз йўлига. Лекин қилган яхши амаллари ва солиҳ фарзандлар қолиши зарур. “Ота-онанг раҳмат” деган гапни эшитиш катта бахт. Отам раҳматли солиқ инспекциясида ишларди. Уша йилларда жун, сариёғ, тухум каби маҳсулотларни давлатга топшириш натура йўли билан тўланарди. Отам қурби етмаган, кам даромадли кишиларга раҳми келиб, бизларга уларнинг номидан ариза ёздирарди. Ариза ёзавериб қўлларимиз қавариб кетарди. Ариза ёзган одам солиқдан озод қилинарди. Ушалар бугун орамизда йўқ. Аммо уларнинг болалари “Отангиз яхши одам эди, бизнинг отамизга ёки онамизга ана шундай яхшиликлар қилган экан”, деб эслаганида ва бизга раҳмат айтишганида бошимиз кўкка етади. Мана шундай раҳматнинг эшитиш ҳар биримизга насиб этсин.

**Меҳринисо ҚУРБОНОВА суҳбатлашди.**

# СЎЗ СУРАТИ

Сўзлаш ва фикрлаш, ёзиш ва ёдлаш қобилияти одам-зотдан ўзга мавжудотга ато этилмаган. Яратганинг бу улуг марҳаматидан ижодкор халқи кўпроқ бахраманд бўлгани ҳам ҳақиқат. Хўш, ана шу шарафли мукофотни биз қай даражада оқлапмиз? Сўз масъулиятини ҳис қилаёلمизми? Оммининг бизга бўлган муносабати кўнгилдагидекми?

Ўтган йилнинг кузида Бу-хорога зиёратга бордим. Тезорар поездда кетдик. Йўл олис. Зерикмаслик учун бир-иккита китоб ва кундалик газеталардан ҳам олволдим. Кимдир поезд телеэкранида намоиш этилаётган фильм ёки концертни томоша қилар, яна кимдир бирор бир машғулот билан овора эди. Мен эса газета варақлаяпман. Ёнимдаги бўйинбоғли киши бўлса нукул менга қараб-қараб кўяди. Охири бўлмади: “Кечирасиз, бировга ўхшат-япсизми?” “Йўқ, расмийроқ газета ўқиётганингизга ҳайрон бўлиб...” Тушундим. Кейин танишдик ҳам. Журналистлигимни айтдим. Негадир мийиғида кулиб кўйди. Гурунг орасида ўзи гап очиб қолди. “Институтда дарс бераман. Авваллари ўнтача газета-журналга обуна бўлардим. Ҳозир эса бир-иккита. Улар ҳам ўз соҳамга тегишчилари. Баъзан қўлимга тушиб қолса ўқийман. Тўғриси айтсам, номи минг хил бўлган бозор ва кўчабоп газета-журнал ўқув-

чилари ўз йўлига, чунки улар ҳеч қачон савияни ўстирмайдилар, лекин расмий дейилаётган нашрлардаям фикрлар хилма-хиллигини кам кўраёпман. Бир-биридан деярли фарқ қилмайди, эгизак дейсиз. Шунинг учун ҳам бизга



ўхшаган зиёлилар интернетга ёпишамиз-да...”

Ёши қирқларни қоралаб қолган бу олим йигитнинг чин дилдан билдирган самимий фикр-мулоҳазаларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Бугун, тўғри, глобаллашув даври, техника асри шиддат билан одимлаётди. Катталардан кўра кичикларнинг ҳар қандай техник янгиллик-ўзгаришнинг тез ўзлаштириб олаётганига ажабланишнинг ўзи кулгули.

## Айём шукуҳи

Лекин тегирмон тоши қай тарафга айланаётганини биз катталар аввалроқ англаганимиз туфайли жуда кўп маънавий таҳдидлардан фарзандларимизни ҳимоя қилаётганимиз ҳам бор гап. Бўл-маса...

Дарвоқе, ҳалиги зиёлининг интернет билан боғлиқ таънасида жон бор. Қаерда ахборот танқислиги бўлса ёхуд ёлгон-яшиқ миш-мишлар урчиса, ўша ерда интернет ҳозир нозир. Ана шундай пайтда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва нуфузи катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам ҳолислик қалам аҳлининг Ҳақиқат аталмиш тарозисидаги посанги вази-фасини ўтайди.

Эртага мамлакатимизда журналистлар, ношир ва матбаачилар ўзларининг касб байрамларини нишонлайди. Бу куннинг ўзига хослиги шундаки, аъёнага кўра, сўз масъулиятини чуқур англаган, унинг мислсиз куч-қудратини чин юракдан ҳис эта олган инсонлар яна бир бор кўзгуга боқадилар. Айтилгандан кўра айтилажак, айтилмаган фикрлар, қарашлар таҳлил этилади. Сўз суратини чизмоққа интилаётган соҳа вакиллари ёруғ юз билан байрамга шошиладилар.

Айёмингиз муборак бўлсин, муҳтарам ҳамкасблар!  
**Норқобил ЖАЛИЛ.**

## Дил изҳори

### ИЖОДИНГИЗГА БАРАКА!

— Сал кам ўн йилдан бери “Оила ва жамият” газетасини севиб ўқийман. Бу нашр нафақат менинг, балки оиламиз, қолаверса, “Қахрамон Рустамов” фермер хўжалиги аъзоларининг ҳам яқин сирдошига айланган десам янглишмайман. Айниқса, “Гурунг”, “Оиланинг тил сандиғи”, “Буни ҳаёт дейдилар”, “Одамлар орасида”, “Бахтли бўлинг” деб номланган рўкналарда босилаётган қизиқарли мақола ва ҳикоялар, маълумотлар бизни гоёта қизиқтиради.

Очиғи, кейинги йилларда оилавий можаролар, қайнона-келин муносабатлари, эрта никоҳнинг аянчли оқибатлари хусусида бошқа оммавий ахборот воситалари га



газета анча пишиқ ва асосланган, таҳлилий мақолаларни чоп этаётгани кўпчиликка маъқул келмоқда. Бу эса биз каби оддий ўқувчилар сонини оширяпти.

Яқиндагина фермер хўжалигимиз аъзоларининг йил бўйи қилган ҳалол меҳнатлари туфайли давлатга галла топшириш режасини 120 фоизга бажардик. Қувончимизга қувонч қўшилиб турган куни кадрдон газетамиз ижодкорлари телефон орқали “Хирмонингизга ҳаммиша ана шундай хайру баракалар тилаймиз!” деб қутлашганида ишонасизми, шунақа суюниб кетдимки, барча чарчоқлар унут бўлди.


Тегирмон навбати билан, деганларидек, фурсатдан фойдаланиб, ўзим, оилам ва барча соҳибкор деҳқонларимиз номидан аввало дилдош газетамиз қаламкашларини, шунингдек, халқимизнинг маънавий-маърифий дунёсини бойитишдек савобли ишга дахлдор бўлган ижодкорларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан самимий табриклаймиз. Барчангизга соғлиқ, узоқ умр ва энг муҳими, ҳолислик, ҳалоллик доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Ижодингизга барака азизлар!

**Қахрамон РУСТАМОВ,**  
Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги  
“Қахрамон Рустамов” фермер хўжалиги раҳбари.

## “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини муносабати билан барча ижодкорларни самимий муборакбод этади!

Озод ва обод Ватанимизда халқимизнинг кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришдек масъулиятли вазифаларни шараф билан удралашда ҳаммиша муваффақиятлар сизларга ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Муҳтарам юртдошлар! Севимли нашрларингизга обуна бўлинг!



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

...Духтирнинг охириги гапидан хомуш тортган Чарос ебгани судрагудек бўлиб уйига етиб келди. Эшиқдан кириб ўзини тутолмай йиғлаб юборди. "Саккиз йил... Саккиз йилдан буён шу ахволда. Наҳотки, менга она бўлиш бахти насиб қилмася?! Наҳотки бир умр ҳеч кимга кераксиздек яшасам? Демак, кун келиб ўлсам, мендан ном-нишон қолмас экан-да?! Йўқ... мен албатта она бўламан! Духтирлардан "фарзанд кўриш ҳаётинг учун ҳавфли", деган гапни эшитганларнинг нечаси бола кучиб юрибди. Мен ҳам насиб этса, фарзандли бўламан", деган ўй кўнглидан ўтди. Кўз ёшларини артиди.

У бир пайтлар қилган гуноҳи жазосини ҳалигача тортиб келаётганини яхши англади. Аммо буни ўзига олмасликка ҳаракат қилар, эрининг бефарқлиги, қариндошларининг совуқ қарашларидан чарчаб, ўзини бола билан овутишни ва яна шу билан гуноҳини ювишни истарди гўё. У ўзи орзу қилганидек ҳашаматли ҳаётда яшайдиган йигитнинг ёстиқдоши бўла олди, аммо ҳар қанча ҳаракат қилмасин, унинг муҳаббатига эришолмади. Чунки бунинг барчаси бошқаники эди... Деворга суюнганча, бир нуқтага тикилиб ўтирган Чароснинг хаёллари ўтмишга — уни ҳамон безовта қилаётган дақиқаларга кетди.

Болалигида анча нимжон эди, тез-тез касалликка чалинарди. Шунданми, ота-онаси уни жуда авайлаб, эркалатиб ўстиришди. Оқибатда у айтганини қилдирмагунча, истасан нарсага эришмагунча қўймайдиган худбин бўлиб воёга етди. У жуда чиройли ва айна пайтда кибрли ҳам эди. 8-синфда ўқиб юрган кезларида ўзидан икки синф юқорида ўқийдиган Мадинага ҳавас билан қарарди. Унинг гапираришлари, юриш-туришларидан бирига ҳужжат топшириб, талабалик бахтига муяссар бўлди. Чарос ҳамон унингдек

бўлишга интиларди. Икки йилдан сўнг у ҳам ўша университетнинг, Мадина тахвил олаётган факультетига ўқишга кирди ва у билан бир квартирада яшамоқчи эканини айтди. Ушанда бу таклифга рози бўлган Мадинанинг беғуборгина кулиб турган чеҳраси ҳали-ҳали кўз олдидан кетмайди.

Мадина 3, Чарос эса 1-курсда ўқий бошлади. Уларга қўшни квартирада яшайдиган кўркем йигит Нозим Мадинанинг курсдоши эди. Уларнинг ўртасидаги илиқ муносабатни сезган Чароснинг кўнглида ҳасад ўти ёнди. Чунки Нозимнинг ҳушқўчқлиги, меҳрибонлиги, келишган қадду

рени тортмоқчи эди. Шундай бўлди ҳам. Нозим Чаросни севиб қолмаган бўлса-да, унга ўрганиб улгурганди. Бу ўртада Мадина билан бир неча бор аразлашиб ҳам қолди. Чарос ҳамиша "Ҳаракат қилсанг, албатта эришасан", деган иборатга амал қиларди. Аммо ҳаракат қилиб эришилган нарса бировники бўлса, у омонатлигича қолишини унутганди.

Байрам кунларининг биридан ишхонасида уюштирилган зиёфатдан ширакайф ҳолда қайтган Нозим чўнтагидан беҳафсалагина калит қидираркан, "ширк" этиб очилган эшик овозидан хаёли бўлиниб ортига ўгирилди. Рўпарасида

бурмассиз, ҳаммасига ўзим айбодорман, бошқасини севишингизни била туриб сизни севдим, туну кун сизни орзу қилдим, мен аҳмоқман, энди ҳеч кимга керакмасман, — дерди нуқул.

Узоқ сукунатдан сўнг чуқур "ух" тортган:

— Шу ой охирида тўй қилмоқчи эдик, — деди Нозим кўзларини бир нуқтадан узолмай.

Кейин секин ўрнидан турди-да, ундан қандайдир илинж билан тикилиб турган қизга қараб: "Юзингни ювиб ол, ҳаммаси яхши бўлади, мен сенга уйланаман Чарос", — деди ва бошини эгганча хонадан чиқиб кетди...

Қишлоқда қанчадан-қанча қизларнинг ҳавасини келтириб, не-не орзуларга берилиб, келинчаклик либосларини тиктираётган Мадинага бу хабар яшин тезлигида етиб келди. У Нозимдан тушунтириш талаб қилмади. Тўй тўхтатилди. Қилинган олди-бердилар эгаларига қайтарилди. Онаси хасталикка чалинди. Кетма-кет келган бахтсизликдан уйдагилар ҳам довдираб қолишди. Мадина энди турмушга чиқмасликка аҳд қилган-

ди. Нозим билан Чароснинг турмуш қуришларига деярли ҳамма қарши эди. Чароснинг онаси ҳам "Бизни қишлоқда номусга қўйдин", дея уни кечирмади. Бир неча ойдан сўнг қўшни вилоятга узатилган келинчакни борган жойида ҳам хушлашмагандек ҳўринди. Тўйдан сўнг кўп ўтмай Тошкентга кўчиб келишди.

Бу ерда Чаросга ҳамма нарса файзли, ҳаёт эса гўзал кўринарди. Унинг наздида Нозим уни севмаса ҳам ўзининг севгиси иккаласига ҳам етарди, гўё. Аммо, бундай бўлмади. Вақт ўтган сайин Чарос қанчалик катта хатога йўл қўйганини англай бошлади. Ўртада меҳр-муҳаббат бўлмаса, бундай ҳўрнинг зулматдан фарқи йўқ экан. У эрига яхши кўринишга қанчалик ҳаракат қилмасин, Нозим шунчаки жилмайиб қўйишдан нарига ўтмасди.

Устга-устак тирноққа зор эди. Шифокорлар эса худди келишиб олгандек, "Сизга она

## Буни ҳаёт дейдилар

бўлиш мумкин эмас!" дейишдан нарига ўтишмасди.

У барибир билганидан қолмади. На шифокорнинг, на Нозимнинг гапини инobatга олмай ҳомиладор бўлди. Аммо бу давр унинг учун жуда оғир кечди. Етти ойлик умри деярли касалхонада ўтди.

Палатага кириб келган Нозим Чароснинг юзи докадек оқариб кетганини кўриб, кўнгли бузилди. Муздек кўлларини кафтлари орасига олди. Унинг ёстиқ бўйлаб ёйилган сочларини силаркан, хотинининг шунчалик узун сочлари борлигига авваллари эътибор бермаганидан ҳайратланди. Аёлнинг кўзлари эрининг нигоҳлари билан тўқнашар экан, турмуш қурганларидан буён илк марта унинг кўзларидан меҳрни ҳис қилди. Ва бирдан йиғлаб юборди. Унинг йиғисидан ҳам қувонч, ҳам алам борлигини келиб олиш қийин эмасди.

Тугруқ кунни яқинлашгани сайин Чароснинг ахволи оғирлашиб борарди.

— Агар... — дея пичирлади у эрига ёлвориб термиларкан, — Агар менга бирор нима бўлса, боламизга Мадина оналик қилишини истайман.

— Унинг тўсатдан айтган гаплари Нозимни гангитиб қўйди. У шу маҳалда хотинини нима деб овутишни ҳам билмасди.

Чарос эрининг кўлларини маҳкам ушлаб ундан кечирим сўради... Икки кун ўтган, ширингина қизалоқни дунёга келтириб, ўзи оламдан ўтди. Шифокорлар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, унинг ҳаётини сақлаб қолишолмади.

Орадан бир йил ўтди. Баҳорнинг илиқ кунларидан бирида нарвончага чиқиб, дараза ойналарини артаётган Мадина кичкина қизчининг атак-чечак қилиб ҳовлига кириб келганини кўрди. Бундан завқи келиб нарвондан паства тушди. Кимнинг боласи экан, деб ўйлаб ҳам ўтирмади, қизчини суя-суя кўтариб олди ва юзларидан ўтди. Қизалоқни бағрига босган Мадина кўксидан қандайдир тасвираб бўлмас ёқимли ҳисни туйгандек бўлди.

— Сен кимнинг қизисан ўзи-а?.. Ойинг қани?.. Ким билан келдинг ширин қиз? — дея ҳайрат билан дарвоза томон қараган Мадина жилмайганча уларни кузатиб турган Нозимни кўрди...

Гулшода БОБОЕВА.



қомати аллақачон уни ром этиб бўлганди. Ҳар кунни учовлон биргаликда дарсга бориб келишарди. Йўл-йўлакай Нозимнинг Мадинага маҳлиё бўлиб қарашларини кўрган Чарос ҳасаддан олов бўлиб ёнар, йигитнинг эътиборини ўзига қаратишга, чалғитишга уринарди.

Шу алфозда вақт оқар сувдек ўтаверди. Бу ўртада Нозим Мадинага совчи қўйди. Ёшларнинг муҳаббатини тўғри тушулган катталар уларни унаштириб қўйишди. Ўқишни тугатгач, Нозим шаҳарда ишлаб қолиб, тўйдан сўнг шу ерда яшашини режалаштирди. Мадина эса тўйга тайёргарлик кўриш учун қишлоққа қайтди. Чарос учун бу айна муддао бўлди. У квартирасида ёлғиз қолиб, ёнига шерик олишни ҳам хоҳламади. Туну кун ҳали китоб, ҳали дарс баҳонасида Нозимнинг ёнига қирар, кирларингизни ювиб берайми, деб уни ҳоли-жонига қўймасди. У нима қилиб бўлса-да Нозимнинг эътибо-

эшикка суюнганча тунги кўйлақда турган Чаросни кўрди ва бош-адоқ унга тикилиб:

— Ҳали ҳам ухламадингми? — деди.

— Йўқ! — сирли жилмайиб жавоб берди у.

— Нега, дарс тайёрладингми?

— Йўқ... сизни кутдим...

Нозимнинг юзига табассум югурди. Секим Чаросга яқинлашди. Унинг ўзига қадалиб турган кўзларига қаттиқ тикиларкан, қиздан таралиб турган хушбўй атир хиди димоғига урилди...

Эрта тонгда Чароснинг пиқиллаб йиғлаётган овозидан уйғониб кетган Нозим ўзини унинг хонасида кўриб сапчиб турди. Нима бўлганини идрок этгач, даҳшатдан бошини чангаллаганча қарахт бўлиб ўтириб қолди. Буни кўриб ҳавотирга тушган Чарос тинмай йиғлаганча:

— Менга уйланишга маж-

## ИЗЗАТ ҚИЛСАНГ...

овозда "портлади":

— Безрайиб ўтиришини қаранг, ҳозирги қизлар катталарни ҳурмат қилишини билишмайди-да, — деди.

Ҳалидан бери ноқулай аҳволда қолган қиз атрофига аланглаб олди-да, яна индамай ўтираверди. Аёл эса бундан баттар туюқиб:

— Тарбия кўрмаган, кимга айтдинг демайди-я, шунчалик ҳам сурбёт бўладими, одам, — деб қўйди.

— Автобуснинг тирбандлигини қаранг, ахир шунча одамни қандай

безовта қиламан, — дея ўз холини тушунтиришга уринди қиз.

Аммо аёл худди уни ёмонотлик қилса, кўнгли жойига тушадигандек баралла овозда жавраб кетди. Унинг муомаласидан дили оргиган қиз ҳам энди жим туролмай, аёлнинг ҳар бир гапига яраша жавоб қайтара бошлади. Четдан кузатган одам, албатта, жой бермагани учун қизни айблабди. Аслида-чи? Ахир аёлнинг ёши катта, тарбия борасида ҳам анча тажрибали. Ҳаммининг олдида қизни ҳақорат

## Нима дейсиз?

қилмай, яхши гап ва босиқлик билан тушунтирганида балки шунчалик асаббузарлик ҳам юзага келмаган бўлармиди. Қиз болани гулга ўхшатишди. Ҳа кунги ҳолат гул барғига қўнган гарддек бир автобус одамнинг дилини ҳуфтон қилди.

Ахир ёшларга тарбия бериш фақат ота-она ёки ўқитувчининг эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамизку!

Гулшода ТУРСУНОВА,  
ЎЗМУ талабаси.

Ҳар доимгидек йўловчи тўла автобусда ўқишга кетаётган эдим. Навбатдаги бекатда автобусга чиққан аёл энг чекка ўриндиқда ўтирган қизга қараб қўйди. Қиз ҳам аёлни кўрган, унга жой беришга тараддулланаётган эди. Аммо одам тирбанд бўлгани учун ёнида тик турганларни безовта қилмасмиканман, деган андишани юзидан ўқиб олиш қийин эмасди. Шундай бўлса-да, аёлга тез-тез қараб кўяр, ўзидан катта одам турганда бемалол ўтиришга ҳам истиҳола қилаётганди. Аёл эса унга одамлар оша бир-икки марта ёмон қараб қўйди-да, сўнг баралла



## ТАСОДИФИЙ КАШФИЁТЛАР

Хаётда нималар бўлмайдими дейсиз. Бутун дунёни лол қилган улкан кашфиётлардан айримлари тасодифан ёки кутилмаган хатолар туфайли содир бўлган экан. Шулардан бири — **микротўлқинли печ.**

120 дан ортиқ кашфиётлар учун патент олган машхур олим Перси Спенсер тасодифан микротўлқин асосида ишловчи печканинг яратувчисига айланган. 1945 йилда, яъни Иккинчи жаҳон урушининг тугаши арафасида у радарлар сифатини ошириш устида иш олиб боради. Тажрибалар пайтида Спенсер столдаги тўлқин чиқарувчи мослама ёнида турган шоколад эриб кетаётганини сезиб қолади. Кўплаб синовлардан сўнг эса 400 кг. оғирликдаги биринчи микротўлқинли печ яратилади.

Дастлаб бундай печдан овқатни тезда пишириш зарур бўлган йирик рестороанлар, самолётлар ва кемаларда фойдаланилган. Ҳозирга келиб эса микротўлқинли печлар бутун дунёга тарқалиб улгурди.

\*\*\*

Юрак хасталигига чалинган миллионлаб инсонларнинг хаётини сақлаб қолишга ёрдам бериб келаётган ускуна — **кардиостимулятор** ҳам тасодифан кашф қилинган.

1941 йилда муҳандис Жон Хоппс (John Hopps) ҳарбий денгиз флоти буюртмаси билан гипотермия, яъни тананинг ҳароратини тиббий йўл билан ўзгартириш соҳасида тадқиқотлар ўтказди. Унинг олдига узок вақт аёзда қолган ёки совуқда жанг қилган инсон танасини зудлик билан иситиш йўлини топиш вазифаси қўйилган эди. Хоппс бунинг учун юқори частотали радиотўлқинлардан фойдаланган ва совуқ туфайли тўхтаб қолган юрак электр импульслари ёрдамида яна дуқиллаб ура бошлаши мумкинлигини тасодифан сезиб қолган.

1950 йилда Хоппс ихтироси асосида юракка сунъий импульс берувчи биринчи кардиостимулятор яратилди. У жуда катта ва ишлашга ноқулай бўлган ва баъзан бемор танасининг куйиш ҳоллари ҳам кузатилган.

Бу каби мосламанинг янада такомиллашган нусхасини эса тиббиётчи Уилсон Грейбетч (Wilson Greatbatch) амалга оширди. Энг кизиги, бу ҳодиса ҳам тасодифан рўй берган. Грейбетч юрак уриш тезлигини ёзиб борувчи мослама яратиш устида иш олиб бораётган эди. Бир куни у синовдаги ускунага тасодифан бошқа резисторни жойлаб қўяди ва электр занжирда юрак уришини эслаувчи тебранишлар бўлаётганини сезиб қолади. Икки йилдан сўнг Грейбетч юрак ишлаши учун сунъий импульсларни мунтазам бера оладиган биринчи электр кардиостимуляторни яратди.

**Наргиза СИДДИҚОВА**  
тайёрлади.

## КЎНГИЛ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

— Тошкент вилоятидан келдим. Исми Акмал. **Ёшим 32 да.** Эсингизда бўлса, икки-уч хафта олдин хужжатларимни топшириб, Саида исмли қизнинг телефон рақамини олиб кетгандим.

— **Хўш, у билан учрашдингизми?**

— Телефон орқали гаплашиб, учрашув жойини келишиб олдик. Белгиланган жойга бориб, Саидани икки соат кутдим. Келмади. Бетоқат бўлиб, кўнгирак қилиб, кутаётганимни айтсам: “Ҳалиям турибсизми? Кетаверинг, мен сизни узокдан кўрдим, дидимдаги йигит эмас экансиз”, деса бўладими. Биров устимдан муздек сув куйиб юборгандек бўлди. Нега у инсон кўнглини ўйинчоқ деб билади?! Мени ёқтирмаганидан эмас, кўпол муомаласидан хафа бўлдим. Бундайлар бир умр ёр танлаб, кейин йиглаб юради.

— **Хафа бўлманг, яхшиси, сизга қашқадарёлик Нодира исмли ўқитувчи қизнинг телефон рақамини берай-чи, бир гаплашиб кўринг.**

## ОДАМ ОЛАСИ ИЧИДА ЭКАН

Ўғлим Жамшидга Назокатни обдон суриштириб келин қилгандим. Мол оласи сиртида, одам оласи ичида, деганлари рост экан. Дастлаб у рисоладагидек келин бўлди. Олти ой ўтар-ўтмас биз билмаган қилиқлари чика бошлади. Ёш, ҳали ўзгариб кетади, деб кечиримли бўлдим. Аммо у сира инсофга келмади. Отаси иккимиз маслаҳатлашиб, ўғлимизни алоҳида яшашга кўндирдик. Келинимиз мустақил яшаса, уйи тинчиб кетар, деб умид қилгандик. Қайсар келин фарзандли бўлган ҳам билганидан қолмади. Бир куни уйига борсам, неварам чинқириб йиғлаб ётибди. Кўлингизга олиб қарасангиз бўлмайди, десам, менга жаҳл

қилиб болани уриб кетса бўладими. Аччиқ устида турибди, яна жанжал катталашмасин дедим-у, ортимга қайтдим. Эшик олдига етганимда отанга ўхшамай ўл, ер ютгур деб қаргагани қулоғимга чалинди. Ўша ёрнинг ўзида баданимдан муздай тер чиқиб кетди. Кечкурун ўғлимни уйга чақирдик. У билан бафуржа гаплашдик. Хотинининг қилиқлари ўзининг ҳам жонига текканидан нолиб хафа бўлди. Махалла фалолари билан маслаҳатлашиб, қайвони аёлларни маслаҳатга юбордик.



Уларнинг панд-насихатлари ҳам кор қилмади. Охири ўғлим ҳам ажралишга қарор қилди. Неварамни эса ўзимиз билан олиб қолдик. Эшитишимизча, келин бир хафтадан кейин аммаси билан хорижга ишлагани кетибди. Энди ўғлимни уйлантирмоқчимиз. Юзи гўзал бўлмаса ҳам кўнгли тоза, тили ширин қиз бўлса келин қилардик. Ўғлимнинг ёши **33 да.** Уй-жойи, иши тайин. 25-30 ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган қизлар бўлса овоз берсин.

**МОҲИРА опа,**  
Сирдарё вилояти.

**ШАҲЗОДА,**  
Бухоро вилояти.

## ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажралишган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

## ОЛЧА — ҚОНГА ДАВО Табиат — дорихона

Олча мевасининг таъми нордонрок бўлса-да, шу кунларда унинг бозори жуда чаққон. Ундан тайёрланган шарбат ва компотларни ёқтирмайдиган одамлар эса камдан-кам топилади. Олча кальсий, темир, фосфор, мағний, калий, мис каби минерал ва микроэлементларга, органик ҳамда фолий кислоталарига, пектин моддаси, ферментлар, қанд, бўёқлар, тери ошловчи моддаларга, А, С, РР витаминларига бойлиги билан бошқа мевалардан фарқ қилади.

Ибн Сино уни камқонликда, гемоглобин пасайганда, бурундан кетган қонни тўхтатишда, қон қуюқлигида тавсия этган. Шунингдек, янги узилган олча мевасидан тайёрланган шарбатни балғам кўчирувчи, нафас йўлларидаги яллиғланишни даволловчи, бронхитга қарши омил сифатида қўлланган.

Олчанинг таркибида Р витамини мўллиги туфайли унинг тўқ қизил бўлиб пишган меваси билан юрак-қон томири касалликларини даволаш мумкин. Бундан ташқари у тинчлантирувчи, қон суюлтирувчи, ич юмшатувчи, эпилепсия ва психологик хасталикларни, истисқони даволловчи, шишларни кетказувчи, қон босимини нормаллаштирувчи хусусиятига эга.

Олча барглирдан тайёрланган дамлама гепатит касаллигини бартараф этади. 10 гр. қури-тиб майдаланган олча барглирини 1 стакан сутга солиб, паст оловда 30 дақиқа қайнатилади. Тиндириб, сузиб олинган, 100 граммдан кунига 2 маҳалдан ичилади.

Халқ табобатида олча шарбатидан шамоллаш, йўтални енгиллаштириш, балғам кўчириш, иситма тушириш ҳамда безғакли даволашга фойдаланилади.

Олча барглирдан тайёрланган дамлама қонни суюлтириб, қон томирларини мустаҳкамлайди. Таркибида пектин моддаси кўплиги туфайли у организмдаги азотли шлакни тозалашга ёрдам беради.

Унинг янги шохларидан дамлама тайёрлаб, истеъмол қилинса, ич кетишнинг олдини олади, сурункали йўғон ичак яллиғланишини даволайди, ичаклар фаолиятини яхшилайди.

Олча таркибида антоциан, лейкоантоциан, флавонол ва бошқа карбол кислоталари мавжудлиги сабабли у атеросклерозда, гипертоник касалликларда, турли патологик ҳолатларда, қон томир чидамлилигини оширишда фойдалидир.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

## ҒИЙБАТЧИЛАР ТИНЧИРМИДИ

Мен 30 ёшга киргунимча қиз бола ўз тақдири учун курашиши шарт эмас, унинг инон-ихтиёри ота-онасининг қўлида бўлади, деб ўйлардим. Афсус, кейин билсам хато қилган эканман. Тўғриси айтсам, “Бахтли бўлинг” рукнига мурожаат қилиб, ўз тенгини топаётган қизларга ҳавасим келади. Кеч бўлса-да келажагим учун курашишга бел боғладим.

Оилада бир ўғил, уч қизмиз. Энг катта опам турмушга чиққан. Фарзандлари бор. Оиласи тинч-тотув. Иккинчи опам эса ёшлигида дарахдан йиқилиб, бошидан лат ёгани учун эпилепсия (тутканок) касалини орттириб олган. Онам опамнинг ранглар юзига қараб аламини йиғидан олади. Дадам уни даволатиш учун ҳатто чет элга ҳам олиб борди. Фойдаси бўлмади. Фақат дори ичиб кун ўтказди. Саккиз ёшимдан буюн шу опамга қарайман. Каерга борса, ортидан соядек эргашиб юраман. Салгина эътибор бермай қўйсам, кўчага чиқиб кетади. Уззукун уни излайман. Уйимизга халигача мени сўраб-суриштириб совчилар келиб турибди. Аммо опамнинг касаллигини эшитган, ҳаммаси қайтиб кетишади. Бир қўшнимиз келган совчиларга опамнинг касаллигини тугма, деб гап тарқатибди. Авлодимизда бундай хасталик ҳечам учрамаган. Аммо ҳаммага бу гапни тушунтириб бўлармиди. Турмушга чиқиб, бир оилани гуллатсам, зора, ғийбатчилар тинчирди.

## ҒОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Агар қовоқларингиз шишган бўлса, кўзингизнинг пастки қисмини бўямаганингиз маъқул. Бу ёшингизни улуғроқ кўрсатади.

\*\*\*

Дастурхонга теккан мева доғини кетказиш учун аввал уни сирка аралашмасида ҳўлланг, сўнгга кир ювиш порошоги эритмасида ювинг. Бу ишни қилаётганда қўлқоп кийишни унутманг.

\*\*\*

Агар қошларингиз қалинроқ кўринишини истасангиз, уни қалам эмас тен билан бўянг.

\*\*\*

Қизиб турган товага совуқ сув солинса, унда овқат тайёрлаш қийинлашади.

\*\*\*

Мутахассислар олмани кўпроқ истеъмол қилишни тавсия қилишади. Сабаби, у оғиздан келадиган хар қандай нохуш хидни ўз-ўзидан йўқотиш хусусиятига эга.

\*\*\*

Нимжон ва тез синувчи сочларга майонезли никоёб яхши ёрдам беради. Уни тайёрлаш учун 2 ош қошиқ майонез, 1 дона тухум сариғи ва 1 чой қошиқ зайтун ёғи керак бўлади.

\*\*\*

Пичоқдаги пиёз хидини йўқотиш учун, уни туз билан ишқаласангиз қи-фоя.

**Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.**



## МИТТИ ЮЛДУЗ

Юртимизда ёшларни ҳар тарафлама билимли, салоҳиятли қилиб тарбиялаш, уларни касбунарга йўналтириш, санъат ва спорт борасида ўз имкониятларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ана шундай имкониятлардан кўплаб тенгдошлари катори Қашқадарё вилоятининг Яққабог туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Моҳинур Боқиева ҳам бахраманд бўлмоқда.

У шаҳардаги 2-сонли боғчага қатнаб юрган чолғаридаёқ санъатга меҳр қўйди. Боғчадаги тадбирларни кўшиқлари билан файза тўлдирди. Илк бор "Ватаним" номли кўшиқни ижро этганида кизчанинг ноёб ва жарангдор товуши атрофдагиларни лол қолдирган эди.

Табиатан интилувчан Моҳинур ва унинг сергайрат устози Муқаддас Эргашеванинг ютуқлари Яққабогдаги 18-сонли мусиқа мактабига ўзгача бир руҳ олиб кирди. Мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ютуқларга эриша бошлади.

— Академик ижро йўналиши бироз мураккаб. Унда товушнинг товланишларига алоҳида эътибор қаратилади. Моҳинурнинг овозида эса ўзига хос жарангдорлик бор, — дейди устози Муқаддас Эргашева. — Айни пайтда академик ва эстрада ижрочилиги йўналишлари бўйича кўплаб танлов-



ларнинг туман ва вилоят босқичларида муваффақиятли қатнашмоқда. Ёш истеъодларимиз учун республикада болалар ўртасида ўтказилаётган мусиқа ва санъат йўналишидаги танловларнинг аҳамияти жуда катта бўлмоқда. Моҳинур "Ягонасан, муқаддас Ватан" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида "Санта Лючия", "Лола гуллар" каби асарларни ижро этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда Ҳабибий шеври ва К.Жабборов мусикаси билан айтилаётган "Диёримсан" кўшигини тайёрламоқда ва нуфузли танловга хозирлик кўрмоқда.

Болалардаги истеъоднинг шаклланиши ва юзага чиқишида оилавий муҳитнинг таъсири жуда катта. Шариф Боқиев ва Моҳичехра Раҳмоноваларнинг хонадонида фарзандларнинг

## Қалдирғоч

ўқиши ва камолоти учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

— Санъатга бўлган қизиқишимни уйда ота-онам ҳам кўллаб-қувватлайди, — дейди Моҳинур. — Биз оилада уч фарзандимиз. Ҳожиакбар акам, мен ва синглим Мадина аввало Ватанимизда, қолаверса оиламизда биз учун яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда эл-юртимиз учун керакли инсонлар бўлиб етишишни истаймиз.

Ёшлар эртамининг ёрқин юлдузларидир. Интилганга толе ёр деганларидек, Моҳинур Боқиева ва унинг устози Муқаддас Эргашеванинг бугунги изланишлари ва меҳнатлари ҳам эрта бир кун албатта ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

**Нурилло КЕНЖАБОВ,**  
Тошкент давлат  
Шарқшунослик институти  
қошидаги академик  
лицейи битирувчиси.

## ТАХРИРИЯТДАН:

Куни кеча Қарши шаҳрида ўтказилган Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларининг академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги республика танловида иштирок этган Моҳинур Боқиева Иккинчи даражали диплом ва лауреатлик унвони билан тақдирланди.

## Ҳуқуқ бурчаги

## ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома дейилади. Ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра, ўзига мурожаат қилаётган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизматлар, меҳмонхона хизмати ва ш.к) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади. Бундай ташкилот оммавий шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилик — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва мажия — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирнок, киприк устириш ва дипелляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).  
Тўқувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой.  
Бисердан гуллар, дастхатлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва саватлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Етоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзё 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи ораксиди.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳилар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 628. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 9804. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

123.5



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

ИСЛОМБЕК  
ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Эроннинг Мозандарон шаҳрида 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида бўлиб ўтаётган Осие чемпионатига терма жамоамиз дастлабки икки медални кўлга киритди.

Чемпионат қондасига кўра, шахматчилар қўтба биринчилиги доирасида рапид ва блиц турнирлар ҳамда классик шахмат бўйича мусобақаларда медаллар учун ўзаро рақобатлашмоқда.

Тезкор шахмат — рапид бўйича 6 ёшгача шахматчилар ўртасида Исломбек Синдоров барча партияда галаба қозониб, Осие чемпиони бўлди.

Қизлар ўртасидаги рапид турнирда Шаҳноза Турсунова терма жамоамиз ҳисобига бронза медални кўшиб қўйди. 16 ёшгача қизлар мусобақасида қатнашган умидли спортчимиз етти имкониятдан олти очко жамғаришга муваффақ бўлди.

МАРИНА  
СОВРИНДОР БЎЛДИ

Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида ўтказилаётган катталар ўртасидаги Осие чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида ҳамюртимиз Марина Сисоева 53 килограмм вазн тоифасида бронза медалини кўлга киритди. Тажрибали спортчимиз иккикураши натижасига кўра 187 килограмм натижа кўрсатиб, шохсупанинг учинчи погонасидан жой олди.

«НАСАФ»  
ЯРИМ ФИНАЛДА

Ўзбекистон кубоги чорак финал жавоб ўйинида ўз майдонида «Нефтчи»ни қабул қилган «Насаф» жамоаси рақибини мағлубиятга учоратиб, ярим финалга йўл олишди.

Фарғонада ўтган биринчи ўйинда «Насаф» футболчилари 2:0 ҳисобида галабага эришиб, кейинги босқич масаласини деярли ҳал этишганди.

«Насаф»дан Зоҳид Абдуллаев дубл қайд этган бўлса, Шохрух Гадоев ҳам бир марта рақиб дарвозасини ишғол этди. «Нефтчи»дан эса Сардор Соибов гол муаллифига айланди.

Интернет манбалари асосида  
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

## ЭЪЛОН!

«Кафолат» ДАСК (ОАЖ) Юнусобод туман бўлими томонидан берилган «Чет элга чиқувчиларни сугурталаш» бўйича №016057 ҳамда №016058 рақамли полислар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.